



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 14 май, № 97 (9268)

Пайшанба Сайтимизга Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНЕРГЕТИКА ВА НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни «Ўзбекистон энергетика ҳафталиги — 2026» форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Озарбайжоннинг «SOCAR» компанияси бош директори Ровшан Нажаф ҳамда «British Petroleum» компанияси раҳбарияти Ариэль Флорес ва Жованни Кристофолини қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашувда энергетика ва нефть-газ соҳасида етакчилардан ҳисобланган ушбу йирик компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Энергетика соҳасидаги кооперация муваффақиятли кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. «SOCAR» компанияси Устюрт платосидаги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳасини амалга оширишда Ўзбекистоннинг шериги ҳисобланади. «SOCAR»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу кенг қўламли лойиҳага «British Petroleum» компанияси қўшилганига юксак баҳо берилди.

Нефть-газ соҳасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш, нефть ва нефть маҳсулотларини узоқ муддатли етказиб беришни йўлга қўйиш ҳамда тармоқ учун мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Озарбайжон футбол федерациялари ассоциацияси раиси сифатида ҳам фаолият юритаётган Ровшан Нажаф давлатимиз раҳбарига 2027 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжонда ёшлар ўртасидаги «U-20» жаҳон чемпионатини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўришдаги кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент метрополитенида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда инфратузилмадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар тақдими билан танишди.

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари сони ортиб бораётгани, шаҳар кенгайиши ва жамоат транспортига талаб ошиши метрополитени ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда 2030 йилгача метрополитенда кунлик йўловчилар сони 1,8 миллион нафарга етказиш, метро бекатлари сони 79 тага, линиялар узунлигини 103 километргача ошириш мақсад қилинган. Шунингдек, поездлар ҳаракати интервални босқичма-босқич 1,5 — 3 дақиқачага қисқартириш кўзда тутилган.

Метрополитен инфратузилмасини яхшилаш ва молиявий соғломлаштириш бўйича ҳам қатор чоралар белгиланмоқда. Жумладан, 2026 — 2028 йилларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва фуқаро муҳофазаси объектлари техник базасини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Йўловчилар хавфсизлигини кучайтириш мақсадида «Шахристон» метро бекати платформаларида синов тариқасида ойнали ҳимоя тўсиқларини ўрнатиш тақлиф

этилди. Халқаро тажрибага кўра, бундай тўсиқлар платформалардаги бахтсиз ҳодисаларни 80 — 90 фоизгача камайтириш имконини беради. Шу билан бирга, улар қўшимча реклама майдонларини яратиш орқали даромадларни оширишга ҳам хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш — янги линиялар қурилиши. Хусусан, «Мингүрик — Чилонзор буюм бозори» метрополитен линияси бўйича лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Биринчи босқичда «Мингүрик — Жанубий вокзал» йўналиши, иккинчи босқичда эса «Жанубий вокзал — Чилонзор буюм бозори» йўналишини қуриш имкониятлари ўрғиналади.

Метрополитенда қўшимча даромад манбаларини шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вагон ва платформаларда рақамли реклама майдонларини аукцион орқали хусусий секторга ижарага бериш, метро бекатларида вендинг аппаратлари, кичик савдо объект-

ларини жойлаштириш, станциялар олдида автотураргоҳлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, бўш турган бино ва хоналарни коворкинг ва кичик офис сифатида тадбиркорларга аукцион асосида ижарага бериш тақлиф этилди.

Автотранспортдан метро тизимига қулай ўтишни таъминлаш мақсадида «Park&Ride» тизимини йўлга қўйиш тақлиф қилинди.

Тақдиротда ҳаракат таркибларини янгилаш ва электродепо қуриш масалалари ҳам муҳокама қилинди. 2027 — 2030 йилларда метрополитен учун талаб этилаётган ҳаракат таркибларини харид қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади. Шу муносабат билан янги ҳаракат таркиблари учун электродепо қуришга зарур ер майдони ажратилади.

Шунингдек, 2027 — 2035 йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Унда метрополитен тармоқларини икки баробар кенгайтириш, йўловчи ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш, экологик

барқарор, энергия тежамкор ва хавфсиз транспорт тизимини яратиш, сервис сифати ва йўловчилар учун қўлайликларини янада ошириш вазифалари қамраб олинади.

Йўлқира ҳақини тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам тақлифлар билдирилди. Хорижий тажриба асосида ма-софага қараб тўлаш, аҳоли тоифалари учун имтиёзлар, кунлик, ҳафталик ва ойлик абонементлар тизимини жорий этиш имкониятлари ўрғиналади.

Президентимиз жамоат транспорти, айниқса, метрополитен йирик шаҳар ҳаётида энг муҳим инфратузилмалардан бири эканини таъкидлади. Шу боис хизмат сифати, хавфсизлик, молиявий барқарорлик ва замонавий бошқарувни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Тақдим қилинган тақлифлар маъқулланиб, уларни амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Ў.А.

Парламент дипломатияси

СЕНАТ РАИСИ БМТ БОШ КОТИБИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухоро шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе билан учрашув ўтказди.

Унда ҳамкорлик, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, минтақавий ҳамжиҳат-

ликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалашти-

рилган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясига тайёргарлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.



Анжуман

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

Кўҳна ҳамда навқирон Бухоро шаҳри Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотига мезбонлик қилмоқда. Тадбир қатнашчилари сафида минтақа давлатлари парламентлари раҳбарлари, БМТнинг ихтисослаштирилган тузилмалари вакиллари кўриш мумкин.

Ушбу минтақавий платформа 2020 йил декабрь ойида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон ташаббуси билан асос со-

линган. Бу мулоқотга Озарбайжон Республикасининг жорий йилда қўшилиши минтақавий бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кучайтиради.

Давлатимиз маъзур мулоқотга 2021 йилда раислик қилган. Жорий йилда ҳам у айнан шу вазифани ўтамоқда. Ўтган давр оралигида маъзур платформа доирасида қатор учрашувлар ўтказилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАЛАРДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРДИ?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларнинг ижтимоий ҳимояси, сафарбарлик тайёргарлиги ва маъзур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга, банк, молия тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини янада самарали ташкил этишга, профессионал ва салоҳиятли кадрлар қатламини шакллантиришга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул кўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофича муҳокама қилингани қайд этилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари мустаҳкамланмоқда

Депутатлар дастлаб «Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ АҲОЛИШУНОСЛИК ЖАМҒАРМАСИ РАҲБАРINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диене Кейтани қабул қилди.

Учрашув аввалида UNFPA раҳбари мамлакатимиз етакчисига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва самимий тилакларини етказди.

БМТнинг аҳолишунослик соҳасидаги нуфузли институти билан ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг UNFPA билан ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Репродуктив саломатлик, гендер тенглик, демографик барқарорлиқни таъминлаш соҳаларида муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Жамғарма мамлакатимиз тарихидаги биринчи аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этди.

Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ҳимоя қилиш борасидаги ижобий натижалар алоҳида қайд этилди.

Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, жумладан, мамлакат дастури доирасида янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш, Ўзбекистонда ва БМТ доирасида юқори даражадаги тадбирларни ўтказишга келиши олдиди.

Ў.А.

Акс садо

ЭРКИНЛИК ВА АДОЛАТ МУҲИТИ — ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

Куни кеча Усмон Азимнинг «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Риёсиз сўзлар» мақоласини ўқиб, унда Янги Ўзбекистонда кечаётган тарихий ўзгаришлар ва халқимиз қалбидagi кўтаринки кайфият ёрқин намоён бўлганини ҳис этдим.

Айниқса, муаллиф томонидан кечаги ва бугунги ҳаёт ўртасидаги фарқнинг ҳаётий мисоллар орқали очиб берилгани ҳар бир ўқувчини тўқилантириши табиий. Чунки мақолада тилга олинган фикрлар ортида мамлакатимизда қарор топаётган эркинлик муҳити, адолат тамойили ва халқ билан давлат ўртасидаги мустаҳкам ишонч мўжассам.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча соҳасини қамраб олди. Энг муҳими, одамларнинг онги ва кайфияти ўзгарди. Илгари жамиятда кўркүв, ёпиклик ҳамда маъмурий босим устун бўлса, бугун очиқлик, мулоқот ва адолат тамойиллари ҳаётимизга чуқур кириб келмоқда. Инсон манфаати давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Фуқароларнинг эркин меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, мулкдор бўлиши, ташаббус кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди.



ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Мамлакатимиз тарихида ва бугунги ижтимоий-сиёсий таракқиётида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўрни бор. Бу, бир томондан, воҳа аҳлининг меҳнатсеварлиги, боғдорчилигу деҳқончилик илмини пухта ўзлаштиргани билан изоҳланса, иккинчи томондан, Сурхондарёга табиат ато этган иқлим туфайли бўлса, ажаб эмас.

Чунки Ўзбекистонимизга баҳор аввал Сурхон кенгликларию қир-адирлари оралаб кириб келади. Унинг замини не-не ижодкорларга илҳом бағишламаган, дейсиз. Бу ўлка бугун ҳам айна ривожланиш ва тараққиёт палласида.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг яқинда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Риёсиз сўзлар» мақоласини ўқир эканман, воҳада рўй бераётган ўзгаришлар яна бир бор кўз олдимда бутун буй-баста билан намоён бўлди. Чунки шу юртининг фарзанди сифатида бу ердаги ҳар бир янгиликдан хабардорман. Кейинги йилларда вилоятимиз шиддатли одимлар билан илгариланмоқда. Ҳаётимиз шу қадар тез ўзгармоқдаки, бунчи ҳис қилмаслик мумкин эмас. Қишлоқ ҳўжалиги, туризм, иқтисодий йўналиш дейсизми, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва уни асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларми — буларнинг барчаси вилоятдаги туб ислохотлар қамрови нақдари кенглигини намоён қилмоқда.



СЕНАТ РАИСИ БМТ БОШ КОТИБИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказининг мазкур нуфузли тadbирда иштироки, шунингдек, "Ёшларнинг превентив дипломатиядаги ўрни" мавзусида сайд-ивент ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, аёллар ва ёшларни эътибордан ҳимоялаш, ушбу йўналишда қўшма семинарлар ташкил қилиш ва илгор тажриба алмашиш бўйича тизимли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



МИНТАҚАДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухоро шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон парламентлари аъзолари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси ўринбосари Дания Еспаева билан учрашув чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик, парламентлараро ҳамкорлик ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш Раисининг ўринбосари Жилдиз Таалайбек қизи билан кечган мулоқотда икки давлат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар етакчилигини ривожлантириш ҳамда парламентлараро алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Хотин-қизларнинг таълим, инновация ва рақамли технологиялар соҳаларидаги фаоллигини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири экани қайд этилди.

Туркменистон Межлиси Раиси Дунёғўзал Гулманова билан мулоқотда эса транспорт, транзит, чегараолди ҳамкорлиги ва хотин-қизларни рақамли технологиялар соҳасига кенг жалб этиш йўналишларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Сенат Раиси хотин-қизларнинг "яшил" иқтисодий ва экологик ташаббусларидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

Д. Гулманова, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси ўринбосари Д. Еспаева, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича БМТ минтақавий маркази раҳбари К. Имнадзе ва бошқалар ўз қишлоқларида ушбу мулоқот майдони аёлларнинг барча интеграция ва давлатлараро ҳамкорлик жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириб, мамлакатлар тараққиётига тобора муҳим ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

— Асрлар давомида маърифат ва илм-фан маркази бўлиб келган қадимий Бухорода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан сўзга чиқиш шараф, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Махл. — Ушбу мулоқот муҳим тенденцияни ўзиде акс эттирмоқда: минтақа келажиги нафақат иқтисодий ўсиш ва технологияларга, балки инсон салоҳияти, аввало, аёллар ва ёшлар имкониятини нечоғли самарали юзасига чиқара олишимизга боғлиқ. Минтақада давлатлараро ҳамкорлик кучаймоқда, таълимга, рақам-



лаштириш ва барқарор ривожланишга сармоа киритиш микдори ошаётди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги, иқтисодийнинг янги технологик реалликларга мослашиш зарурияти билан боғлиқ умумий вазифаларга юзасига келмоқда. Айнан шунинг учун олимпиа аёллар, етакчи аёлларнинг ўрни жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, қизларни ўқитишга йўналтирилган ҳар бир доллар ялпи ички маҳсулотга қўшимча

2,8 доллар келтириши мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотининг бу галги мажлисида хотин-қизларнинг илм-фандаги етакчилиги, ҳозирги замон таҳдидлари, инновацион ечимлар ва илмий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Олимпиа аёллар форуми шу мавзуга бағишланди. Форум доирасида иккита панель сессия бўлиб ўтди. Дастлабки сессия илм-фан ютуқлари ва инновациялардан фойдаланиш орқали минтақани ривожлантириш имкониятлари ҳамда истиқболларига бағишланди. Иккинчи сессияда эса барқарор ривожланиш, экология, сунъий интеллект, маданий мерос ва жамоат саломатлиги масалалари муҳокама қилинди.

— Мен Бухоронинг олис Кумушкент қишлоғида ўсиб-улғайганман, — дейди тадбир қатнашчиси, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, кимё фани бўйича фалсафа доктори Гуляйра Холиқова. — Давлатимиз яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, олий маълумотли бўлишимиз мумкин. Илмий излашлар олиб бориб, муайян ютуқларга эришимиз. Тақдиримиз асосида амалиётга қўлланган ишланма

Газли газни қайта ишлаш корхонасига иқтисодий фойда келтирмоқда.

Муҳокама қилинган давомда минтақа мамлакатларининг илмий салоҳиятини ривожлантириш, инновацион экотизимни кенгайтириш, илмий ва технологик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда илмий тадқиқот фаолиятида хотин-қизларнинг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Иқтисодийни диверсификациялаш воситаси сифатида илм-фандан фойдаланиш, мамлакатлар ўртасида технологик ҳамкорликни ривожлантириш, илм-фанни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва самарали инновацион инфратузилмани шакллантириш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган "яшил" технологияларни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Билдирилган тақдир ва тавсиялар асосида олимпиа аёлларнинг "SheScience Central Asia" минтақавий тармоғини яратилиши назарда тутилди. Форум ўз ишини давом эттирмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ МАЙДОН

Асрлар давомида илм-фан, маданият ва ислом дини маркази бўлиб келган Бухоро шаҳрида ўтказилаётган Осиё хотин-қизларининг II форуми нафақат минтақавий дипломатик мулоқот, балки аёлларни барча соҳадаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, энг асосийси, орзу-мақсадларини рўйбга чиқаришга қаратилган муҳим платформадир.

Муносабат

Мазкур анжуман замирида бир муҳим ҳақиқат мўжассам. Яъни XXI аср тараққиётини аёллар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чиндан ҳам, бугунги глобал иқтисодий хотин-қизларнинг таълим, сиёсат, инновация ва тадбиркорликдаги иштироки ҳар бир мамлакат рақобатбардошлигини белгилайдиган асосий омиллардан бирига айланмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатида "инсон капитали дипломатияси" устувор йўналиш сифатида намоён бўлаётди. Бухоро форуми ана шу сиёсатнинг амалий ифодаси, десак, адашмаймиз. Чунки бу каби халқаро даражадаги амалий мулоқотлар Янги Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маданий имижини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Форумнинг асосий мавзуси "Аёлларга инвестиция — барқарор ўсиш асоси" деб номланди. Бу орқали бугунги кунда дунё ҳамжа-

мияти учун долзарб бўлган қатор масалалар муҳокама қилинмоқда. Хусусан, хотин-қизларни давлат ва жамият бошқарувида кенг жалб қилиш жараёнида уларнинг иштирокини кучайтириш, иқтисодий мустақиллик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ҳамда таълим соҳаларида имкониятларни кенгайтириш каби муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Шу ўринда Жаҳон банки ва БМТ маълумотларига тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу нуфузли ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг меҳнат бозоридagi фаоллиги ошиши мамлакат ялпи ички маҳсулотига ўсишига белгисиз таъсир кўрсатади. Айрим тадқиқотларда гендер тенглик тўлиқ таъминланган давлатлар иқтисодийта ЯИМ

ҳажми ўртача 20 — 30 фоизгача ўсганини кўриш мумкин.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда 2026 йил давомида 1,5 миллион нафар хотин-қизни мунтазам даромад билан таъминлаш режалаштирилган. Улардан 400 минг нафари бизнесга жалб этилади. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Бундан ташқари, 166 минг нафар аёл замонавий касблар ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари эса IT соҳасига ўқитилади.

Шу билан бирга, аёллар ўртасида уйда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун "Даромадли аёл" дастури амалга ошириш бошланадиган. Мазкур дастур асосида касаначилик, хунармандчилик, паррандчилик, асаларичилик ва томорқа ҳўжалиги йўналишларида 50 минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бугун аёл нафақат она, уй бекаси, балки давлат ва жамият бошқарувида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунинг сўнгги йилларда дунё миқёсида, парламентларда ҳам хотин-қизлар улуши ортиб бораётганидан билиш мумкин. Мазкур қизгин жараён Марказий Осиё давлатларида кўзга яққол ташланади. Хусусан, мамлакатимизда парламент ва маҳаллий кенгашларда аёл депутатлар сонининг ошиши, давлат бошқарувида рақ-

бар аёллар қатламнинг шаклланиши мамлакатда гендер сиёсати янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг "Парламентдаги аёллар" рейтингда 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади. "Гендер тенглик ва бошқарув" индексида мамлакатимиз 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди. Жаҳон банкининг "Аёллар, бизнес ва қонун" индексида эса 43 поғонага яқинлашиб, 48-ўринни эгаллади.

Мутахассисларнинг фикрича, аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ижтимоий адолат, таълим, соғлиқни сақлаш ва оила сиёсатида оид қарорларнинг самарадорлигини оширади. Шу боис форумда бу мавзудаги тажриба алмашинувлари минтақа давлатлари учун муҳим аҳамият касб этди.

Бухорода ўтаётган Осиё хотин-қизларининг II форуми шунчаки расмий тадбир эмас, балки бугунги шиддат билан кечаётган глобал ўзгаришлар шароитида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини янги босқичга кўтаришга қаратилган амалий мулоқот майдонидир.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ЭРКИНЛИК ВА АДОЛАТ МУҲИТИ — ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ



Мамлакатимиздаги ўзгаришлар нафақат бизни, балки хорижий давлатлардаги дўстларимизни ҳам ҳайратга солмоқда. Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида, турли соҳаларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодий натижалар бугун дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилиши янгилик бўлмади қолди.

Бу ўзгаришларни, аввало, ҳудудлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, Сурхондарё вилояти кейинги йилларда мамлакатимиздаги жадид ривожланаётган ҳудудлардан бирига айланди. Бугун вилоятда санаят, қурилиш, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва инвестиция соҳаларида юқори ўсиш суръатлари кузатилаётган бўлиши билан бирга, 2025 йил якунлари бўйича

Сурхондарё вилояти ялпи ҳудуд ички маҳсулотига 106,6 фоизга ошди, санаят ишлаб чиқариши 109,3 фоизни, хизматлар соҳаси 114,1 фоизни ташкил этган. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми эса 131,1 фоизга етгани вилоят иқтисодийта мутлақо янги босқич бошланганини кўрсатади.

Энг муҳими, бу рақамлар қуруқ статистика эмас. Улар ортда одамларнинг ҳаёти, янги иш ўринлари, замонавий уй-жойлар, йўллар, мактаб ва шифохоналар, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар турибди. Бугун Термиз, Денов, Шеробод, Бойсун ва бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари

Сурхондарёни мутлақо янги қиёфага олиб чиқмоқда.

Қонунчилик палатасининг Сурхондарёдан сайланган депутати сифатида парламент фаолиятида иштирок этар эканман, давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотлар барча соҳани қамраб олаётгани ва чуқур кириб бораётганига ҳар куни гувоҳ бўлмоқдаман. Парламентда қабул қилинаётган қонунлар, аввало, инсон манфаатига, ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолат ва очликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Халқ билан мулоқот ва жойлардаги муаммоларни ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Илгари одамлар йиллаб очим тополмаган муаммолар бугун очик муҳокама қилиниб, аниқ чоралар қўрилоқда.

Бугун Янги Ўзбекистон — бу шунчаки широр эмас, балки халқ ҳаётига кириб келган янги тафаккур, янги муҳит ва янги имкониятлар. Ана шу ислохотларнинг марказида эса инсон қадр, адолат ва фаровонлик гоёси турибди. Бу тамойиллар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқмоқда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётди.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ

Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 15 май куни Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида ўтадиган норасмий саммити бу гал мутлақо янги мазмун ва стратегик аҳамият касб этмоқда. Чунки бугунги дунёда рақобат энди фақат табиий ресурслар ёки геосиёсий таъсир билан эмас, балки рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва инновацион салоҳият билан ҳам белгиланмоқда. Шу маънода, "Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш" мавзусидаги мазкур саммит туркий давлатларнинг келажак тараққиёт модели қандай бўлишини белгилаб берувчи муҳим сиёсий платформа сифатида баҳоланмоқда.

Анжуман ўтадиган жой сифатида Туркистон шаҳрининг танланиши ҳам катта рамзий маънога эга. Бу шаҳар асрлар давомида туркий цивилизациянинг маънавий марказларидан бири бўлиб келган. Энди эса бу ерда муштарак шонли тарихдан балеанд руҳ олиб, рақамли келажак, интеллектуал иқтисодий ва технология интеграцияни биргаликда қуриш масалалари муҳокама қилинади.

Шу нуқтаи назардан, Туркистон саммити туркий давлатларнинг бу жараёнларга яқка ҳолда эмас, балки умумий ёндашув ва мувофиқлаштирилган стратегия асосида кириб бораётганини аниқлатади. Энг муҳими, мазкур саммит орқали туркий давлатлар рақамли тараққиётни янги иқтисодий ўсиш драйвери сифатида қўраётганини намоён этмоқда.

Масалан, электрон ҳукумат, рақамли давлат хизматлари, трансчегаравий электрон савдо, IT-стартлар экотизими ва интелек-

туал инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар шаклланиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат — бу инсон капитали масаласи. Сунъий интеллект соҳасида рақобат қилиш учун, аввало, билимли ёшлар, замонавий таълим ва инновацион муҳит керак. Туркий давлатлар айнан шу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш, қўшма университет дастурлари ва технология платформаларни яратиш орқали катта синергияга эришиши мумкин.

Дарҳақиқат, бугун рақамли иқтисодий дунё янги иқтисодий ўсишининг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Экспертлар фикрича, сунъий интеллект яқин йилларда глобал иқтисодийта триллионлаб доллар қўшимча қиймат олиб кириши мумкин. Туркий давлат-

лар эса аҳолиси, географик жойлашуви ва улкан бозор имкониятлари билан мазкур жараёнда муҳим ўрин эгаллаётган. Аввалги босқичларда асосий эътибор транспорт йўлақлари, савдо ва маданий-гуманитар алоқаларга қаратилган бўлса, эндиликда интеграциянинг янги йўналиши — рақамли интеграция шаклланимоқда. Бу эса келажакда ягона рақамли макон, интеллектуал логистика тизимлари, рақамли тўлов инфратузилмалари ва инновацион кооперация механизмларини юзасига келтириши мумкин.

Айниқса, Марказий Осиё бугун Евроосиёнинг муҳим рақамли ва транспорт хаби сифатида шаклланиб бормоқда. Туркий давлатлар ўртасидаги рақамли боғлиқликнинг кучайиши эса бутун минтақа иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширади. Туркистон саммити келажак технологиялари бўйича умумий стратегия ишлаб чиқариладиган муҳим интеллектуал майдон сифатида тарихга кириши мумкин. Бу туркий давлатларнинг глобал технология жараёнларидаги ўрни ва таъсирини янада мустаҳкамлайди.

Жамиля БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Хусусан, яратилган қулай шарт-шароитлар ва берилган имтиёзлар ҳисобидан охириг саккиз йил давомида вилоятга 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилиб, 4 мингга яқин санаят корхоналари ишга тушди. Бугунги кунда вилоятда хорижий инвестициялар ҳамда экспорт ҳажмининг ошириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Ўтган даврда ҳудудда 5 миллиард долларлик 8 мингдан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хитой, АҚШ, Россия, Хиндистон, Австрия, Венгрия каби давлатлар билан инвестиция ва савдо бўйича яна 10 миллиард долларлик келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш борасида ҳам сезиларли натижалар

га эришилди. Ўтган йилда 126 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, вилоятда бу борадаги кўрсаткич 9,3 фоиздан 5,6 фоизгача пасайишига эришилди. Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрган, Қизирқич ва Музработ туманларини "камбағаллик" ва ишсизликдан холи ҳудуд"га айлантириш борасида ишлар олиб бориляпти.

"Тўпаланг" сув омборидан тортилган қувурлар орқали Шеробод, Бойсун, Бандихон, Музработ, Олтинсой, Ангор, Жарқўрган ва Денов туманларида истиқомат қилувчи қарийб 2 миллион аҳолининг ичимлик сувига эҳтиёжи тўлиқ қондирилган. Ҳудудда туризмни ривож-

лантириш борасида ҳам катта режалар олинган. Бойсун, Сангардек ва Омонхона каби юқори туристик салоҳиятга эга ҳудудлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, меҳмонхоналар сонини ошириш ва янги туризм йўналишларини ташкил қилиш йўналишидаги ишлар давом этмоқда.

Чиндан ҳам, муаллифнинг "Риёсиз сўзлар"и айна ҳақиқат. Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхон воҳаси ҳам кундан-кунга чирой очиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора яқинлашиб бормоқда. Олиб бораётган ислохотлар ҳар бир кишининг ҳаётида муҳим из қолдирмоқда. Бундай янгиликлар юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаяпти.

Дилбар СУВОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАЛАРДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРДИ?



Ушбу масала бўйича Мудофаа вазири Ш. Холмухамедов маъруза қилди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Инсон қадрини улуғлаш тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, кафолатлари ҳамда уларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни комплекс тартибга солишни назарда tutadi.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирилик ва идоралар ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, жавобгарлиги, шунингдек, улар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилмоқда.

Ҳужжатга кўра, ҳарбий хизматчилар учун давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлар, эркинликлар, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган имтиёзлар, чекловлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик мажмуи ҳарбий хизматчилар мақоми, деб белгиланапти.

Лойиҳада ҳарбий хизматчи мақомига эга бўлиш ва уни бекор қилиш тартиби, хизматни ўтатишнинг ўзига хос хусусиятлари, хизмат интизоми ва хизмат мажбуриятларига доир талаблар аниқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмлари алоҳида ўрин олган. Жумладан, уларни моддий рағбатлантириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, мажбурий давлат сугуртаси, пенсия таъминоти, хизмат вазифини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда компенсация тўловларини амалга ошириш каби муҳим кафолатлар қонун даражасида мустақамланмоқда.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш мақсадида лойиҳада қатор янги имтиёзлар ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, ҳарбий хизматдан бўшатирилган ва хизмат йиллари 20 йилдан кам бўлмаган ҳарбий хизматчиларга йилига бир маротаба санаторий-курортларга 75 фоизлик имтиёз асосида йўланма олиш имконияти яратилмоқда. Бунда йўланма нархининг 25 фоизи ҳарбий хизматчи ҳисобидан, 75 фоизи эса тегишли вазирилик ва идораларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Шу билан бирга, ҳужжат билан ҳарбий хизматчиларга йилига бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда моддий ёрдам тўлаш имконияти яратилмоқда.

Депутатлар муҳокама қилишда ушбу қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини оқсатириш, Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари учун мустақам кафолатлар яратишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик соҳасида ягона ҳуқуқий асос

Мажлисида "Сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қизгин муҳокама қилинди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа салоҳиятини мустақамлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маъмур қонун лойиҳаси ҳам соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик соҳасидаги муносабатларни ягона ҳамда муқамал ҳуқуқий асосда тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳада сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарликнинг асосий мақсадлари, принциплари ва устувор йўналишлари белгиланмоқда. Шунингдек, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, мажбуриятлари аниқ назарда тутилди. Ҳужжатда "сафарбарлик тайёргарлиги" ва "сафарбарлик" тушунчалари илк бор аниқ ва комплекс ҳуқуқий мазмунда ифодаланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада умумий ёки қисман сафарбарликни эълон қилишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари, давлат органлари ва ташкилотларнинг вазифалари, иқтисодиёт тармоқларини уруш даври шароитида ишлашга ўтказиш тартиби белгилаб берилмоқда.

Ҳужжатда сафарбарлик даврида қақририлган фуқаролар учун иш жойини сақлаб қолиш, кредит тўловларини кечиктириш, етказилган зарарларни компенсация қилиш каби ижтимоий кафолатлар ҳам мустақамланмоқда.

Муҳокамада депутатлар қонун лойиҳаси мамлакат мудофаа салоҳиятини янада ошириш, Қуролли Кучларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлигини мустақамлаш, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, худудий яхлитлиги ва тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини кайд этди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Марказий банк фаолияти такомиллаштирилади

Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг мустақиллиги ва банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан Марказий банк, унинг худудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарори асосида ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини мажбурий келиши ҳамда кредит ташкилотлари учун пруденциал нормативларни, корпоратив бошқарувни, тавakkалчиликларни бошқариш тизимига доир ва бошқа талабларни белгилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси билан молия бозорига юзага келадиган фавулдода вазирият шароитида тезкор ҳуқуқий чоралар кўриш мақсадида Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кучга киришига оид қоидалар белгиланмоқда.

Депутатлар маъмур қонун лойиҳаси банк тизимидagi тавakkалчиликларни самарали бошқариш, назорат механизмларини кучайтириш ва замонавий халқаро амалиётларни жорий этишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор аниқлаштирувчи саволлар берилди.

Савол-жавоблардан сўнг маъмур ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Омбудсманнинг таъсирчанлиги оширилмоқда

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг таъсирчанлигини ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонунда Омбудсманга кўшимча ваколатлар ва таъсир чоралари берилган эди. Хусусан, Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ташкилотларга ҳамда мансабдор шахсларга огоҳлантириш, тақдимнома, илтимоснома ва талабнома киритиш ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан Омбудсман институтининг ушбу янги ваколат ва таъсир механизmlарини амалда самарали қўллаш учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-моддасида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) киритган талабномаларни мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилмасдан қолдирганлик ёки уларни кўриб чиқилмасдан уларни узрли сабабларсиз бузганлик ёхуд улар юзасидан била туриб касддан ишонсиз маълумотларни тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилувчи ўзгаришти киритилмоқда.

Екатерина СМЕСОВА, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, унга киритилаётган ўзгаришлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини мустақамлашга, шунингдек, давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар то-

монидан моддама-модда муҳокама этилди ва иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими кенгаймоқда

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада мустақамлаш, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятини янада самарали ташкил этишни назарда tutadi.

Қонун лойиҳаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар болага қарши жиноятлар тўғрисида маълумотлар олган тақдирда жиноят ишини кўзатиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, бу ҳақда Болалар омбудсманини хабардор қилиш назарда тутилмоқда. Бу келгусида суд жараёнларида, жумладан, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоялашга хизмат қилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг парламент назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатлари ҳам белгилади, бола манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларга аризалар, шикоятлар ва даъволар билан мурожаат этишда уни давлат божидан озод қилиш тақлиф этилмоқда.

Лойиҳа билан вакилнинг қонуний фаолиятига тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилаш, уни сайлаш, дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш, шунингдек, у томонидан парламентга тақдим этиладиган маърузани эшитиш масалалари тартибга солинмоқда.

Бундан ташқари, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таллуқли масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) билан мажбурий келишига оид қоидалар белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан моддама-модда муҳокама этилди ва иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даврида лавозими сақлаб қолинади

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат фуқаролик хизматчисининг касбий малакасини ошириш кафолатларини белгилашга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда обдан муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиси хорижий таълим муассасаларида ўқиш учун грант ютган



тақдирда, унинг иш жойи ва лавозимини сақлаб бўйича ҳуқуқий кафолатлар мавжуд эмас.

Ушбу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, давлат органлари ҳамда ташкилотларида профессионал ва салоҳиятли кадрлар қатламини шакллантиришни назарда tutadi.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурага ўқиш бўйича грант ютганда, иш бевуқининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланши тақлиф этилмоқда.

Иш бевуқини томонидан розилик беришда ўқув дастурининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишини инобатга олиш назарда тутилди.

Лойиҳада ўқув дастури ақунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизматчиси зиммасига тегишли давлат органи тизимида хорижда тахсил олиш даврига тенг мuddатга ишлаб бериш мажбурияти ҳам юкланмоқда.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устама белгилашда инобатга олиниши назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси қизгин муҳокама сабаб бўлди ва қатор саволлар кўтарилди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматчиси иш бевуқининг розилиги билан тахсил олиши мумкин бўлган халқаро эътироф этилган нуфузли таълим муассасалари Вазирият Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўзда

тутилмоқда. Агар халқаро эътироф этилган нуфузли таълим муассасаси сифатида рўйхатга кирган таълим муассасасининг филиали Ўзбекистонда фаолият кўрсатса, давлат фуқаролик хизматчиси халқаро эътироф этилган нуфузли таълим муассасасида тахсил олиш учун, албатта, хорижга бориб ўқиши керакми ёки ўша хорижий олий таълим муассасасининг Ўзбекистонда жойлашган филиалларида ҳам ўқиса, лойиҳа билан назарда тутилган кафолатларга эга бўладими?

Ноҳира ЖОНИБЕКОВА, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси: — Ушбу қонун лойиҳасидаги деярли барча масалалар Вазирият Маҳкамаси қароридан белгиланиши кўрсатилмоқда. Шунингдек, хорижда ўқиб қайтган ходимга ишлаб бериш мажбурияти юкланилмоқда. Маса-

лага ҳуқуқий жиҳатдан ёндашадиган бўлса, ходимнинг ҳуқуқлари ёки уларга бериладиган мажбуриятларни юқлаш Меҳнат кодекси асосида амалга оширилиши шарт. Шу нуктаи назардан савол туғилади: Вазирият Маҳкамаси қароридан белгиланган шартлардан келиб чиқиб, ходимга ишлаб бериш мажбуриятини юқлаш ходимнинг ҳуқуқларига, шунингдек, амалдаги Меҳнат кодекси нормаларига эйд бўлиб қолмаганими?

Қонун ташаббускорлари мазкур саволларга атрафлича тушунтириш бериб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда кўтарилган масалаларга эътибор қаратишларини маълум қилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ижтимоий ёрдам манзиллиги таъминланади

Мажлисида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида янада мустақамлаш, уларнинг одил сўзловдан тўлиқ ва тенг фойдаланишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли ва самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Сайдулло АЗИМОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жуда муҳим ва жадаллик билан олиб борилмоқда. Асосий мақсад — ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг муносабатда бўлишини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Қонун лойиҳасида Жиноят кодексида киритилаётган айрим норма-

ларда "бевосита ёки билвосита афзаллик бериш" тушунчаси келтирилгани амалда ногиронлиги бўлган шахсларга берилаётган имтиёз ва энгилликлар билан қандай

уйғунлашиши масаласига аниқлик киритишни талаб этади. Негаки, бугун амалдаги тизимда ногиронлиги бўлган шахсларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Эртага ушбу имтиёзлар "афзаллик бериш" сифатида баҳоланиб, ҳуқуқий зиддият келтириб чиқармайдими?

Қонун ташаббускорлари бу бўйича атрафлича изоҳ бериб ўтишди. Кайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллиги таъминланади. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжман қатламлари учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Конституциявий қонун лойиҳаси кўриб чиқилди

Депутатлар мамлакат инвестиция муҳитини янада яхшилаш, халқаро капитални жалб қилиш, замонавий молия инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган "Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат мамлакатда рақобатбардор капитал бозорини ривожлантириш, инвестиция оқимини кенгайтириш ва Ўзбекистонни минтақавий молиявий хаб сифатида шакллантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида молия марказининг ҳуқуқий мақоми, фаолият тамойиллари, бошқарув тизими, ваколатлари ва марказ ҳудудида амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим аниқ белгиланган. Хусусан, марказ ҳудудида халқаро инвесторлар учун ҳуқуқий барқарорлик ва ишончли суд ҳимоясини таъминлашга қаратилган қоидалар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида дунёнинг етакчи молия марказлари — Дубай халқаро молия маркази (DIFC), Остона халқаро молия маркази (AIFC) ва Сингапур тажрибаси ўрганилгани кайд этилди. Қонун лойиҳаси билан Тошкент халқаро молия марказининг институционал тузилмаси ҳам белгиланапти.

Шунингдек, марказ маъмурияти, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси ва Тошкент халқаро тижорат судининг ҳуқуқий мақоми мустақамланмоқда.

Кайд этилганидек, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси лицензиялаш, назорат қилиш ва таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга бўлади. Тошкент халқаро тижорат суди эса марказ иштирокчилари ўртасидаги низоларни мустақил равишда кўриб чиқади.

Депутатлар марказ қатнашчилари учун яратилаётган имкониятларга ҳам алоҳида тўхтади. Лойиҳада марказ иштирокчилари ва уларнинг ходимларига хорижий валюталарда ҳисоб-китоб юритиш, чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш, беш йилгача амалда бўладиган махсус визалар олиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, марказ ҳудудида солиқ ва боғхона имтиёзлари жорий этилиши белгиланган.

Ушбу Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Конституция ҳамда қатор қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Жумладан, Конституциянинг 15-моддасига киритилаётган қўшимча мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона ҳуқуқий макон сақланган ҳолда алоҳида ҳудудларда қонун асосида махсус ҳуқуқий режим ўрнатиш имконияти белгиланмоқда. Конституциянинг 131-моддасига киритилаётган қўшимча билан эса махсус ҳуқуқий режим амал қиладиган ҳудудларда иختисослаштирилган судлар ташкил этилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 134-моддага киритилаётган ўзгариш билан айрим махсус ҳолатларда суд юрисдикцияси ва суд ишларини юритиш тартиби қонун билан алоҳида белгиланиши мумкинлиги мустақамланмоқда.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирди. Хусусан, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, молиявий хавфсизлик кафолатларини аниқ белгилаш ҳамда марказ фаолиятининг миллий иқтисодиётга таъсирини самарали мувофиқлаштириш зарурлиги кайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

«Бошим пойинга, Ватан...»

Ватанга чексиз муҳаббат туйғуси уфуриб турган ушбу ёнқ мисра муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева агар ҳаёт бўлганида айни кунларда умрининг етмиш тўққизинчи баҳорини кутиб олаётган бўларди...

Еш Ҳалимадаги шеърини қобилиятни илк бор таниқли адиб, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистоннинг кўп йиллик биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Шароф Рашидов пайкаган ва бағридарё устоз вилоят масъулларига бу қозалоққа "кўз-қулоқ" бўлишни тайинлаган. Кейин ўтган асрнинг 70-йиллари шароитида қишлоқлик қизнинг шаҳарга илм излаб бориш машаққатлари бошланади — Тошкент, сўнг Москвадаги Адабиёт институтидаги сабоқлар...



Кўр кўзларимизни очгай қадимларин чапга, денг. Энди туркини даладари гулга киргай мангу, денг.

Дарҳақиқат, унинг овози — туркий эл-элатларнинг овозига айлиниб улгурган эди. Шеърларида туркона рух, жанговарлик собит эди.

Бугун туркий халқларнинг бир-бирларига қардошларча бағир очишлари, туркий давлатлар ҳамкорлиги янги босқичларга чиққатгани, бу борадаги муждалар шoirимиз орзу қилган кунлар келганидан дарак, хушxabар...

Ҳалима Худойбердиева шеърлари орқали қулоқларимиз остида жаранглаб турган, "турк", "Туркистон", "Турон" сўзлари қалбларимизда азалий муҳаббат оловини қайта ёлқинлантираётганини ҳис қилаётгандекмиз бугун.

Шеър техникасини пухта эгаллаган шоирлар жуда кўп. Расамадини келтириб ёзилаётган шеърлар талайгина. Аммо Шахсга айланган шоирлар кам, ноёб. Жамият хамиша Шахсларга муҳтож бўлган.

Ҳалима Худойбердиева шахсиятида Шахслик билан Ижод қай нуқтадан бошланади, қай нуқтада уйғунлашиб кетишини аниқ айтиш қийин. Билганимиз шуки, у мусибат палласи, кўнгилар гусага чўмган палла ҳам кимга нима дейишини яхши биларди...

Дунё бир кам. Қадди шамшод етмайди, Кам-кам етмай-ю, бот-бот етмайди. Яншик келмайми. Қайта келмас ҳам, Бизга майдон етмас, ё от етмайди...

Шу кичкина тўртликда ҳам чигал дунёни англаш, шоирнинг ўзигагина хос қарашлари, ҳаётини хулосалари жо бўлган.

Ҳалима Худойбердиева миллий шеърини ҳавосини баҳоли қудрат янгилай олган, миллат дардини куйлаган, аммо зиндор шунчаки дардхак бўлиб йиғмаган, ўқувчи ўзига яқин олиб ойдин кунларга интилишни, қандай курашини ҳам ўргатиб кетган чин шоир, чин инсон эди. Унинг ижоди ёшларимизга Ватанини севишни, Миллатни қадрлашни ўргатади. Ҳурлик, Эрк ҳақида ўқимокчи бўсангиз, руҳингизни чархаломокчи бўсангиз, Ҳалима Худойбердиева китобларини ўқинг...

Шоирнинг имтиҳонларга тўла ҳаёт йўли ҳам ўзига хос эди. "Синовлар банданинг тоқатидан ортқ бўлмас" деган илоҳий ҳукмига кўра сеvimли шоиримизнинг мақомлари қанчалар банд бўлганини ўзимизча тасаввур қиламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз етакчисига айланган илк кунлардан бошлаб китоб, китобхонлик, ижодкорлар — шоир-ёзувчиларга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари, таъбир жоиз бўлса, Ҳалима Худойбердиева орзу қилган дўст тими солида намоён бўлди. Шоир ижоди Президентимиз томонидан юксак қадрланди — 2019 йили у туғилган кўнгул замин — Сирдарё вилотида маркази Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби фаолият бoshлади ва ушбу макон қалби қайноқ ёшлар учун ижод ўчоғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, миллатпарвар шоиримиз — барҳаёт. Унинг орзу-истаклари Янги Ўзбекистонимизнинг ёш истеъодлари тими солида яшаб келяпти.

Абдусад КҮЧИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси,
Алишер НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.

да буй кўрсатиб турарди. Адабиёт билим-донлари, адаб ва фасоҳат аҳли буни вақтида илғаб, ундан умид қиларди. Йиллар ўтиб, Ҳалима Худойбердиева нафақат бу ишонч-ни оқлади, балки устоз мунаққид Озод Ша-рафидинов эътироф этганидек, "ҳақиқат ва адолат жарчиси" ўлароқ халқимиз меҳрини қозонди.

Унинг аёл зотиға хос (майин-мулойимлик) бўлмаган ўқтам овози жамики озод қалбли одамларнинг ички қақирғидек янгради.

Ҳа, "Дориламон кунлар" муждасини илк бор у айтганди...

Ошиқларинг пойинга гул отиб ҳам бўлади, Хилватларда лабидан бол топиб ҳам бўлади Ва бу ҳақда кимларедир топиб ҳам бўлади, Сен барибир муқаддасан, Муқаддас аёл!

— дея баралла айтган ҳам у эди. Ва буни унга кўшилиб бугун эл — миллат биргаликда айтди. Ҳали ҳам айтиб келади, бундан кейин ҳам айтди...

Унинг ўзбек оналари номидан битган мана бу тилақлари ҳам асло эскирмайди, то ҳаёт бор экан, яшайдиган даъват, васият бўлиб қолаверади:

Ботиқлар ўтган Ватандан
Ботиқлар чиқсин, Худо.
Англасилар, бор синоат
Бор сирлар чиқсин, Худо.
Улуғ оналардан мерос
Мартабамиз оналик.
Биз тебратган бешқилардан
Бобурлар чиқсин, Худо!

Оламнинг яратилиши ҳақидаги битикларда Одамнинг зуваласи учун Ер юзининг турли бурчакларидан бир сиқимдан тупроқ олинад ва ушбу тупроқ узра нақд кирқ йил, шундан 39 йил ғам-ташвиш, бир йил севинч ёмғири ёғади, дейилади. Ҳалима опанинг шеърларида ана шу ибтидода инсон вужуди, тақдирига илоҳий ёмғир ила қоришиб кетган, бор бўлган беоромликни яққол ҳис қиласиз.

Сиртин шоён, ич-хўрсиник, тутунлигим кўр,
Ҳўжсон юдузлар-да, сишқ бир тутунлигим кўр.
Харсанг тегиб мизг бўлакча бўлисан жоман,
Аммо юрганнимда тиклик, бутунлигим кўр...

Бу — ўзбек, Шарқ, мусулмон аёлининг тими соли. У синмайди. Юраги доим алла, ҳаёт кўшигини куйлаб туради.

Ҳалима опа шеърларида тоши оғир босадиган сўзларни саралаб-саралаб, ўрни-ўрни билан ишлатади. Сирти шоён, ичи хўрсиникча тўла, дунёси қоп-қоронги, аммо қадди тик. "Бутунлигимни кўр!" деяётган аёл — Она пайдо бўлади кўз ўнгиңгизда.

Шеър, шоир шундай бўлиши керак эмасми?!

Ҳалима Худойбердиева ижодида юраклари аллаловчи сокинлик йўқ. Асарларида унинг вужуди, руҳи, жисму жонида ибтидодаги ўша кирқ йиллик "ёмғир" аломатлари мавжудлигини, жўш ураётгани "шивири"ни гўё эшитиб турасиз. Бу азалий ёмғир садолари одам боласининг ўзи ҳақидаги қўшиқ, бу қўшиқни куйламай, тингламай бўладими? Бундай қўшиқларни ким яратади? Албатта, чин шоирлар. Ҳалима Худойбердиева ана

шундай асл шоирларнинг олдинги сафларидан турарди.

Шубҳасиз, инсонни ғам тарбиялайди. Аммо шоир, аввало, инсон ўлароқ бу дард олдидан таслим бўлгани келмайди. "Дориламон кунлар..." келганда оғир дамларни унутади. "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор..." дея шукрона келтиради. Аслида ҳам Одам боласининг умри ғам-ташвиш ва дориламон кунлар орасида кечади...

Ҳалима Худойбердиеванинг қисмати шеърларида акс этиб туради. Шоир айтганидек, шеърлари — унинг қиссагўйи... Шоир ҳеч иккиланмай "Мавлоно Жалолиддин Румийдек бир дўст бўлсайди" дейдиган даражага етмоғи учун қанча йўл босиб келганини биласизми? Буни ҳам унинг ижоди "фоти" қилиб туради.

Ўтган асрнинг 60-йилларида, ҳали талабалик даврида чиққан "Илк муҳаббат" китобидан тортиб "Оқ олма", "Чаман", "Сўянч тоғларим", "Бобо кўёш", "Иссик қор", "Садоқат", "Муқаддас аёл", "Хурлик ўти", "Бу кунларга етганлар бор", "Тумариснинг айтгани", "Йўлдадирман", "Буюк кўшлар", "Осойиша шам" китобларига кирган шеърлари Ҳалима опани шеърдан шеърга ўсиб, улгайган фақуллода истеъод соҳиб эканини шарҳлаб туради. Кўп шоирларнинг илк шеъри қайси, балоғат ёшида битганлари қайси эканини адабий синчилар ҳам ажратишга ожизлик қилиши мумкин, аммо Ҳалима опанинг шеърларини бир ҳовуч дондек сочиб юбориб, кейин йиғиладиган шеър-хон ҳеч иккиланмай уларни хронологияси бўйича тартиб билан тизиб чиқиши мумкин. Сабаби эса аён. Бу асарларда аниқ юксалиш нуқталари — динамика бор.

"Турк", "Туркистон" каби бир замонлар мезоини сандиғига улқотирилган азиз сўзлар шоир ижодида "хаёт"га қайтганини кўраемиз. Унинг "Туркистон томонларда" шеъри миллат болалари руҳини кўтарадиган мадҳиядек янграйди:

Энди турмоқ ондир, эй энди тикланмоқ он,
Энди дунё кўражак туркий эл қалққанини.
Энди болаларига бало келса, қалқони —
Соҳибқирон туғи бор
Туркистон томонларда...

"Турк дунёсини ўнгловчилар" номли шеърда эса шоир қалбини ўртаган дардларни туюсиз. Шеър ўзига хос аччиқ сўзлар билан бошланади:

Хижолатман, баъзан шундай
хижолатли оналар келар,
Бўлиқ дон деб топганларим
хас-хашак, сомон келар.
Бургутларни султон кўш деб,
самолардан қидирсам,
Улар ерда гўнг тиклиб,
тумшукларни қон келар...

Туркий дунё парокандалиги ҳақида ўқиниб ёзган шоир шеъринг кейинги сатрларида ёрғун ниятлар, башоратлар қилди:

ЭЗГУ ҚАЛБЛАР ТАШАББУСИ

Олотлик бир гуруҳ фаол китобхон уйил-қизларга Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Тошкент шаҳрига бир ҳафталик сەъхат ва дам олиш йўлланмаси топширилди. Бу тумандаги Мухтор маҳалласида барпо этилган замонавий кутубхонанинг очилиш маросимига тўпланганларни беҳад хурсанд қилди.

Маънавият

Чамаси уч йилча муқаддам Олот туманидаги Мухтор маҳалласида яшовчи Шаҳноза Наврўзова бу чекка гўшада кутубхона очиб ташаббускори бўлган. Тошкент давлат педагогика университети, кейин Туркияда таҳсил олган бу тиниб-тинчимас қизнинг туман ҳокимлиги ва бошқа хайрихоҳ ташкилотлар кўмағида ташкил этган зие масканидаги китоблар қисқа муддатда ён-атрофда истиқомат қилувчи 400 дан зиёд хонадонларга кириб борди. Эътиборлики, маҳаллада маънавий муҳит яхшилангани, у жиноятчиликдан холи ҳудудга айлангани, маҳалла ёшларининг ўқиб-

ўрганишга, шахмат ва шашка билан шуғулланишга иштиёқлари ошгани кузатилди. Шулар инобатга олинган ҳолда маҳаллада лойиҳа қиймати 650 миллион сўм бўлган замонавий кутубхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бундан бениҳоя хурсандимиз, — дейди Шаҳноза Наврўзова. — Чунки эндиликда болалар ва ёшлар учун алоҳида ўқув заллари, замонавий технологиялар билан жиҳозланган хоналаримиз мавжуд. Китоб фондими бойиб бормоқда. Бу лойиҳа ёш авлод таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида қаралаётганидан далолат беради.

«Халқ сўзи».

Нуқтаи назар

Янги инвестицияларнинг муҳим мезони

Фаргона водийси қадимдан савдо қарвонлари излари қолган, ҳунарманд кўллари мўъжиза яратган, тарих ва тараққиёт бир-бири билан уйғунлашган маскан сифатида эътироф этиб келинади. Бу заминда атлас жилоси, купол сополининг нафислиги ва қадим шаҳарлар нафаси асрлар давомида Шарқ тамаддунининг ёрқин тими солига айланган. Қўқоннинг улғувор саройлари, Марғилоннинг ипак матолари, Риштоннинг мовий нақшлари бугун ҳам водий руҳи бақарорлигини дунёга намоён этмоқда.



Бугунги глобаллашув даврида эса ҳудудларнинг нуфузи нафақат тарихий мероси, балки иқтисодий барқарорлиги ва халқро молиявий майдондаги ишончлиги билан ҳам белгиланмоқда. Эндиликда халқро рейтинглар ҳудудларнинг эртанги тараққиётини белгилловчи муҳим мезонлардан бирига айланди.

Ана шундай жараёнда Фаргона вилотиининг "Fitch Ratings" халқро агентлиги томонидан "BB-" даражасидаги "Барқарор" рейтинг билан баҳолангани вилотининг иқтисодий салоҳияти, молиявий интизоми ва инвестицион жозибдорлиги халқро миқёсда тан олинганидан далолат беради.

Мазкур рейтинг оддий иқтисодий кўрсаткич эмас, аксинча, Фарғонанинг эртанги кунига билдирилган ишонч, унинг тараққиёт йўлига берилган халқро эътирофдир. Айниқса, туризм, хизматлар соҳаси ҳамда йирик инвестициявий лойиҳалар ривожланиётган бугунги даврда ушбу барқарорлик вилотини Марказий Осиёнинг истиқболли иқтисодий ўсиш катта аҳамиятга эга. Қўлаётган натижаларга кўра, мажмуа йилга 200 — 250 миң хорижий сайёҳларни қабул қилади, қарийб 2000 та иш ўринлари яратилади ва бюджетга миллиардлаб сўм даромад олиб қиради.

Энг муҳими, бундай лойиҳалар иқтисодиётда мультипликатив самара беради. Янги меҳмонхоналар, транспорт хизматлари, кафе-лар, ҳунармандчилик дўконлари ва сервис объектлари пайдо бўлади. Маҳаллий аҳоли даромади ортади, ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги ошади. Фарғона бугун иқтисодий диверсификация йўлидан бормоқда.

Аваллари, асосан, аграр самоват ҳудуди сифатида танилган вилотда энди тизимлар ва туризм соҳаси иқтисодиётнинг муҳим драйверига айланмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, хизматлар секторининг ҳудудий ялли маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётнинг замонавий моделига ўтаётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат — халқро рейтингнинг "лангар эффекти" яратилиши. Яъни йирик инвестицион лойиҳа ҳудудга нисбатан умумий ишончини ошириб, унинг атрофида ўнлаб янги бизнес ташаббуслари пайдо бўлишига замин яратади. Бугунги Фарғонада айнан шундай жараён кузатиламоқда.

Келгуси йилларда вилотда юзлаб миллион долларлик янги лойиҳалар амалга оширилиши, халқро туристлар оқими кескин ортиши ва Фарғонанинг Марказий Осиёдаги йирик туристик ҳамда инвестициявий марказлардан бирига айланиши кутулмоқда.

Гўзал ХОНКЕЛДИЕВА,
Фарғона давлат университети Иқтисодий факультети декани,
иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Премьера

Муҳимий номидаги Ўзбекистон давлат академик музикали драма театрида "Париж — 2024" Олимпия ўйинлари чемпиони Дийэра Келдиёрованинг шонли галабаси тарихига бағишланган "Тонгни кулиб қарши ол" спектаклининг премьераси ўтказилди.

«ТОНГНИ КУЛИБ ҚАРШИ ОЛ»

Мазкур асарда иродати ва қатъиятли ўзбек қизи Д. Келдиёрованинг болалик чоғидан то Олимпиада шохуспасигача бўлган ибратли ҳаёти тасвирланади. Спектаклда ўз орзу-умидлари ушалиши йўлида хар қандай машаққатга дош бера олган матонатли замондошимиз образи ёрқин сахна кўрinishлари орқали очиб берилган.

— Жамоамиз томонидан илк маротаба дунё эътиборига туш-

ган спортчи қиз ҳаёти ҳақида спектакль яратиш биз учун катта фахр бағишлайди, — дейди театр бош режиссёри Достон Ҳақбердиев. — Келажакда Дийэра хонга бундан-да ёрқин галабаларга эришиб, халқимизни хурсанд қилишда давом этишга тилақдошимиз.

Президентимизнинг "Театрларнинг жамият маданий ҳаётига аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари



«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг «Осмони фалакларда. Осмон қироли» бадийий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджетта Г — 542. 23 209 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетанинг ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратта келган қўёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезетанинг тахрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Қаримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.12 Топшириди — 00.50 1 2 3 4 5 6